

Баркамол авлод тарбиясида анъанавий халқ ўйинларининг аҳамияти.

Салимжон Йўлдошев (ФарДу)

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён миллий ўзликни тиклаш, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ҳақидаги ҳақиқатни қарор топтириш, тарихий, миллий қадриятлар ва бойликларни унинг ҳақиқий эгасига қайтариш йўлида оламшумул ишлар амалга оширилди. Ўтган даврни унинг моҳияти ва мазмунидан келиб чиқиб, ҳеч иккиланмасдан буюк ўзгаришлар даври деб аташ мумкин. Ўзбекистоннинг мўътабар замини жаҳон марнавияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ ва буюк алломаларни тарбиялаб вояга етказган муқаддас диёрдир. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Олдимизда мустақил буюк давлат куришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маҳнавий қадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш куриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало шу жамият аҳзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда халқимиз фарзандларимиз иқболини ўйлаб, қаттиқ бел боғлаб меҳнат қиладиган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада теран маҳно касб этади."¹ Соғлом ва маънан баркамол авлод тарбияси умумдавлат аҳамиятига молик иш деб қаралаётган шу кунларда анъанавий халқ ўйинларини тадқиқ этиш шахс дунёкараши ва руҳий оламида тутган ўрнини белгилаш имконини беради. Анъанавий халқ ўйинларининг келиб чиқиши тарихини тадқиқ этиш, ўйинларни таснифлаш ва тавсиф қилишнинг илмий-назарий мезонларини ишлаб чиқиш, халқ ўйинларининг миллий қадриятлар тизимини шакллантиришдаги ижтимоий эстетик ўрни ва вазифаларини кўрсатиб беради. XX аср бошларига қадар Фарғона водийси халқларининг анъанавий ўйинлари ўзининг қадимий анҳаналарини тўла сақлаб келган эди. Аср бошида содир бўлган сиёсий

¹ Каримов И.А., Истиқлол ва маънавият, Тошкент: Ўзбекистон, 1994, Б.127-128.

Ўзгаришлар натижасида анъанавий халқ ўйинларига ҳам бир томонлама муносабатда бўлина бошлади. Собиқ советлар даврида ҳукмрон мафкурага мос келадиган ўйинлар оммалаштирилар, аجدодларимизнинг комил инсон тарбиясига оид анҳаналар эса "ўтмиш сарқитлари" деб баҳоланар эди. Натижада ўзининг юксак умуминсоний характери ва тарбиявий қувватига эга бўлган анъанавий ўйинларнинг жуда кўп қисмлари унутилди. Миллий ўзлигини англаган халқимиз ҳаётида маҳнавий тикланиш жараёни кечаётган шу кунларда анъанавий халқ ўйинларининг унутилиб кетган, ҳозиргача умуман ўрганилмаган ёки тадқиқ қилинишини кутиб ётган турларини ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аجدодларимизнинг қадимий дунёқарашларини ўзида мужассам ифода этган анранавий халқ ўйинларини тиклаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўтмишда ота-боболаримиз жуда қадимги давлатчилик анъаналарига эга бўлган бой маънавият ва моддий ёдгорликларни мерос қолдиришган. Улар чавандозлик, мерганлик ва якка курашнинг усулларини яхши эгаллаган эдилар.

Жумладан, жуда қадимги даврлардан бошлаб от билан боғлиқ спорт ўйинлари турлари тўғрисида маълумотлар, ҳақиқий кураш саҳналари туширилган тасвирий асарлар сақланган. Жуда қадимий ўйин-одатларимиздан бири курашдир. Бу ўйин-одат ҳақида Сиз яхши тасаввурга эгасиз. Чунки кураш одатимиз, хайриятки, йўқолиб, изсиз кетган удумларимиз қаторига кирмай қолган. Кураш – қадимий ва эркин кураш турларига бўлинади. Бу одатнинг тарихи халқимиз пайдо бўлиб, тараққиёт йўлига кирганидан буён таркиб топиб, ривожланиб, такомиллашиб борди. Миллий курашни биз ҳозирги кунда спорт тури сифатида қайд этамиз. Аслида эса бу одат халқ ҳаётининг жуда муҳим тармоғи бўлиб келган. Полвонлик битта-иккита шахс мисолида эмас, умумхалқ сиймосида оммалашган. Яхши чавандозлик, камондан беҳато ўқ отиш, чапдастлик билан

килич чопиш, эпчиллик, жасурлик, тантилик ва мардлик, ҳалоллик курашчиларнинг бош фазилатлари саналган.

Соғлом, ақлли, эпчил ва мард авлодни тарбиялаб вояга етказиш ҳар бир аждоднинг эзгу орзусидир. Бу борада турли болалар ўйинларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Қадимги даврлардан бери халқ ҳаётий мазмунининг маданий, иқтисодий, сиёсий, маиший томонларини ўзида мужасамлаштириб келган нарса - бу халқ, ўйинлари турлари эди. Қадим замонлардан бери маросимлар ва расм русмларда миллий ўйинларга кенг ўрин берилиб, турл мусобақалар ўтказилиб келинган. Бу ёшларни тарбиялаш, камолга етказишда катта аҳамият касб этган.

Ўзбек ерининг энг қадимдан маълум бўлган полвонлари тўғрисида археологик қазилмаларида кураш олиб бораётган полвонларнинг тасвирлари, расмлари берилган. Қадимги хитой, юнон ва бошқа манбалар маълумотларига кўра ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган ўзининг жасурлиги, чاقқон ва мерганлиги, моҳир курашчи-полвонлиги, от чопишда, найза отишда, камондан ўқ-ёй отишда, қиличбозликда, курашда эса "Барс ва шер каби" олишганлар дейилади.

Кураш, албатта, соғлиқни мустаҳкамлаш, қайси ёшда бўлишидан қатъий назар, уларда куч, чакқонлик, бардошлик, ҳаракат қобилияти каби фазилатларини ривожлантириш учун катта имконият яратади. Буни англаган халқимиз асрлардан-асрларга, аждодлардан-авлодларга миллий кураш усуллари ва анъаналарини асраб ўтказиб беришга муҳим эътибор қаратиб келмоқдалар.

Ёш авлоднинг жисмоний жиҳатдан тарбиялашда анъанавий халқ ўйинлари тарбия тизимининг таркибий қисмини ташкил қилиб, ёшларни ҳар томонлама жисмоний ва руҳий фазилатларини тарбиялаш, уларни ҳаётга, меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёрлаш, ўзида маҳнавий бойликни, ахлоқий покликни, жисмоний комилликни мужассамлаштирган янги кишини шакллантириш каби олижаноб мақсад учун хизмат қилади.

Меъросларимиздан ўрин олган жисмоний анъанавий халқ ўйинлари масалаларини ўрганиш муҳим таҳлимий, тарбиявий аҳамиятга моликдир.

